

ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ СОҲАСИДА КОРРУПЦИЯНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ ЖИНОИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ

Шукурова Шахноза Муқумжоновна

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги

Молия ва моддий-техника таъминоти департаменти

катта инспектори катта лейтенант.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20792843>

Аннотация. Мақолада давлат харидлари соҳасида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишнинг жиноий-ҳуқуқий муаммолари тизимли таҳлил қилинган.

Муаллиф томонидан соҳадаги рақобатли ва тўғридан-тўғри харид усулларида ўзига хос хусусиятлари, коррупциявий схемалар ҳамда давлат бюджети маблағларини талон-тороғ қилиш (ЖКнинг 167-моддаси) билан боғлиқ суд-тергов амалиёти рақамлар асосида ўрганилган. Тадқиқот натижасида, мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш орқали содир этиладиган ўзлаштириш жиноятлари учун жазони кучайтириш, соҳа ходимларини "ҳалоллик вакцинаси" тамойилида ўқитиш, коррупцияга алоқадор тадбиркорлик субъектларининг очиқ реестрини юритиш ҳамда Жиноят кодексини давлат харидлари тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи янги 184²-модда билан тўлдириш бўйича асослантилган таклиф ва тавсиялар илгари сурилган.

Калит сўзлар: давлат харидлари, коррупциянинг олдини олиш, тўғридан-тўғри шартнома, талон-тороғ қилиш, ўзлаштириш ёки растрата, жиноий жавобгарлик, "ҳалоллик вакцинаси", инсофсиз етказиб берувчилар реестри.

УГОЛОВНО-ПРАВОВЫЕ АСПЕКТЫ ПРОФИЛАКТИКИ КОРРУПЦИИ В СФЕРЕ ГОСУДАРСТВЕННЫХ ЗАКУПОК

Аннотация. В статье осуществлен системный анализ уголовно-правовых проблем предупреждения и противодействия коррупции в сфере государственных закупок. Автор на основе статистических данных исследует особенности конкурентных и прямых методов закупок, коррупционные схемы, а также судебно-следственную практику, связанную с хищением средств государственного бюджета (статья 167 УК РУз). В результате исследования выдвинуты обоснованные предложения по ужесточению наказания за хищения, совершенные путем злоупотребления должностным положением, обучению работников сферы на основе принципа «вакцины честности», ведению открытого реестра субъектов предпринимательства, причастных к коррупции, а также дополнению Уголовного кодекса новой статьей 184², предусматривающей ответственность за нарушение законодательства о государственных закупках.

Ключевые слова: государственные закупки, предупреждение коррупции, прямой договор, хищение, присвоение или растрата, уголовная ответственность, «вакцина честности», реестр недобросовестных поставщиков.

CRIMINAL LAW ASPECTS OF CORRUPTION PREVENTION IN PUBLIC PROCUREMENT

Abstract. the article provides a systematic analysis of the criminal-legal aspects of preventing and combating corruption in the field of public procurement. Based on statistical data, the author examines the characteristics of competitive and direct procurement methods, corruption schemes, and judicial-investigative practices related to the embezzlement of state budget funds (Article 167 of the Criminal Code of Uzbekistan). As a result of the study, well-founded proposals are put forward to toughen punishment for embezzlement committed through

abuse of official position, train public servants based on the "integrity vaccine" principle, maintain an open registry of business entities involved in corruption, and supplement the Criminal Code with a new Article 184² establishing liability for violation of public procurement legislation.

Keywords: public procurement, corruption prevention, direct contract, embezzlement, misappropriation or theft, criminal liability, "integrity vaccine", registry of untrustworthy suppliers.

Давлат харидлари бюджетдан ажратилган маблағларни мақсадли ва рақобатли усулда шаффоф ишлатилиши билан боғлиқ бўлиб, ушбу тизим инвестициявий муҳитни яратишда ҳам катта аҳамиятга эга. Давлат харидлари давлат молияси тизимининг ривожини таъминлашда муҳим аҳамият касб этиб, бир томондан бюджет соҳаси самарадорлигига, иккинчи томондан эса, давлат бюджети маблағларининг мақсадли натижавийлигига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади. Давлат харидларида очиклик ва шаффофликни таъминлаш, давлат харидлари жараёнларини рақамлаштириш орқали инсон омили иштирокини камайтириш ва бу орқали коррупциявий ҳолатлар келиб чиқишининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар тизимли равишда амалга ошириб келинмоқда.

Маълумот учун, Ўзбекистонда 2022 йилда республика бўйича жами 204,5 трлн сўмлик давлат харидлари амалга оширилди. Бу эса ЯИМнинг 23 фоиз ини ташкил қилади.

Шундан қарийб 75 трлн сўм қийматдаги харидлар (жами харидларнинг 37 фоизи) электрон савдолар орқали амалга оширилди. Рақобатли харид қилиш тартиб-таомилларини ўтказиш натижасида 14,3 трлн сўм маблағлар иқтисод қилинишига эришилди. Ўзбекистон Республикасининг "Давлат харидлари тўғрисида"ги қонунида коррупцияга йўл қўймаслик асосий принциплар сифатида белгиланган.

Бизга маълумки, молия тизимидаги давлат харидлари билан боғлиқ жиноятларнинг бошқа кўринишларидан фарқли равишда давлат бюджети маблағларини талон-торож қилиш билан характерланади. Халқаро ташкилотлар, хусусан, Жаҳон банки маълумотларига кўра давлат харидлари энг кўп коррупцияга дучор бўлувчи соҳа ҳисобланади. Давлат харидлари бюджетдан ажратилган маблағларнинг мақсадли ва рақобатли усулда шаффоф ишлатилиши билан боғлиқ бўлиб, ушбу тизим инвестициявий муҳитни яратишда ҳам катта аҳамиятга эга. Ушбу харажатларнинг самадорлиги орқали давлатнинг иқтисодиёти ва хавфсизлиги ривожланади. Коррупциявий хавф-хатар нуқтаи назаридан давлат харидлари оммавий-молиявий соҳанинг энг таъсирли институтларидан бири бўлиб ҳисобланади. Давлат харидлари соҳасида вужудга келадиган ва коррупциявий ҳолатларни яшириш ҳолатлари юз бериши мумкин бўлган муносабатлардан бири давлат харидларини тўғридан-тўғри шартнома тузиш орқали амалга оширишда намоён бўлади.

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижаси юзасидан Гарвард университети олимлари томонидан коррупция маҳсулот ва хизматларнинг нархини 5-15 фоизга оширади ва давлат харидлари бўйича ҳар йили бюджетга барча мақсадли бюджет харажатлари миқдорининг тахминан 30 фоизи даражасида зарар етказилади, деган хулосага келинган. Коррупция ҳолатларининг таҳлили ушбу турдаги жиноятларнинг аксарият қисми юридик шахслар билан боғлиқ ва улар манфаатларини кўзлаб содир этилганлигини кўрсатмоқда (масалан, давлат танловларида ғолиб бўлиш, давлат харидлари учун маҳсулот етказиш ва шу кабилар).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги 158-сонли фармони билан тасдиқланган «Ўзбекистон — 2030» стратегиясида¹ коррупциявий омилларни бартараф этиш тизимининг самарадорлигини оширишга қаратилган чора сифатида давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларини бузиш ҳолатларини 2 баробарга камайтиришга эришиш, давлат харидларини тўғридан-тўғри шартнома тузиш орқали амалга оширишда маблағларни талон-торож қилиш ҳолатлари, товар ва хизматларнинг нархи бозор қийматидан ошиб кетишининг олдини олиш бўйича жамоатчилик назоратини тўлақонли жорий қилиш назарда тутилган. Харидлар соҳасида коррупциявий хавф-хатарга баҳо беришда харидларни амалга ошириш тартиб-таомилларининг усулига эътибор қаратиш лозим бўлади. Давлат харидлари тўғрисидаги қонунчиликда харидларнинг рақобатли ва рақобатга асосланмаган усуллари назарда тутилган, жумладан, бошланғич нархни пасайтириш учун ўтказиладиган аукцион, тендер, электрон дўкон ва энг яхши таклифларни танлаш давлат харидларининг рақобатли усули бўлса, тўғридан-тўғри шартномалар бўйи ча амалга ошириладиган давлат харидлари рақобатга асосланмагандир. Амалиётда буюртмачи (давлат органи) ва тендер иштирокчиси (тадбиркор) ўртасида тил бириктириш коррупциявий схемаси иштирокчилари қўллаши мумкин бўлган “сохта саралаш”, “товар (хизмат) га зарурати йўқ талаблар қўйиш”, “тендер ҳужжатларини мураккаблаштириш”, “ноҳолис (субъектив) баҳолаш”, “имконсиз миссия” усуллари, шунингдек, буюртмачининг алоқаси йўқ ҳолатда тадбиркорлар ўртасида ҳам тендердаги нархни ошириш ёки ғолиблик бўйича “уч мушкетёр”, “навбатли ғолиблик”, “пассив иштирок” каби усуллар мавжуд. Ушбу жиноий амалиёт давлат харидларининг рақобатли усулларига тааллуқли бўлиб, унинг мақсади харидлар тартиб-таомилларини четлаб ўтиш ёки соддалаштиришга қаратилган. Бироқ давлат харидларини амалга оширишнинг рақобатли усули ҳисобланмаган тўғридан-тўғри шартнома тузиш шакли ҳам коррупциявий хавф-хатарлардан холи эмас. Чунки ушбу таомил рақобатни сунъий чеклаш орқали амалга оширилади, бироқ ушбу жараёнда тартибга солинмаган манфаатлар тўқнашувига йўл қўйиш, харидларга нисбатан сунъий эҳтиёжни яратиш, нархларни шакллантиришда бошқа хавф, омиллар мавжуд бўлиши мумкин. Кейинги пайтларда тўғридан-тўғри шартномалар бўйича давлат харидларини амалга ошириш асослари ва ҳолатлари кўпайиб бораётганлиги сабабли унинг фуқаролик-ҳуқуқий жиҳатларини ўрганиш муҳим ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги 6257-сонли фармонининг 7-бандига асосан давлат харидларида рақобатли савдо турларини чекловчи тўғридан-тўғри шартномалар ва бошқа битимларни тузишни назарда тутувчи қонунчилик ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича ташаббус билан чиқиш қатъиян тақиқланган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 9 ноябрдаги 244-сонли фармони кўра, 2023 йил 1 мартдан вазирлик (идора, муассаса) ва унинг таркибидаги ташкилот (муассаса) ўртасида қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг 3 500 баравари ва ундан юқори бўлган товарлар (ишлар, хизматлар) нинг тўғридан-тўғри шартномалар бўйича харид қилиниши тақиқланди. Маълумот учун, вазирлик (идора, муассаса) ва унинг таркибидаги ташкилот (муассаса) ўртасида товарларнинг (ишлар, хизматлар) тўғридан-тўғри шартномалар бўйича хариди учун чеклов суммаси белгиланмаган эди. Хорижий давлатларда мисол учун, Қозоғистон Республикасининг қонунчилигида давлат харидлари тендер усулида амалга оширилганда, потенциал етказиб берувчи шартноманинг бажарилишини таъминлашдан ташқари, рухсат этилган минимал нархдан пасайтирилган миқдорга тенг миқдорда ҳисса қўйиш шарти

билан демпинг нархини тақдим этишга рухсат этилиши назарда тутилган. Шунингдек, Қирғизистон Республикаси қонунчилигида демпинг баҳоси ишлар, хизматлар ва товарлар учун етказиб берувчи (пудратчи) томонидан таклиф этилаётган, давлат харидининг барча усуллари бўйича маълум бир харид қилувчи ташкилот томонидан харидларнинг режалаштирилган ҳажмидан 20 фоиздан кўпроқ паст бўлган нарх деб белгиланган ва давлат харидларида демпинг баҳоси, агар етказиб берувчи (пудратчи) шартнома бажарилишини таъминлашдан ташқари, демпинг деб эътироф этилмайдиган минимал рухсат этилган нархдан пасайтирилган миқдорга тенг бўлган суммани киритган тақдирда тақдим этилиши мумкин. Ўзбекистон Республикасининг Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан 2022 йил давомида давлат харидларида бюджет маблағларини талон-торож қилиш ҳамда бошқа коррупция кўринишлари билан боғлиқ жиноятлар комплекс таҳлил қилинди. Таҳлилларга кўра, ҳуқуқбузарликлар асосан тендер харид савдоларида ҳужжатларни сохталаштириш, маҳсулотларни сунъий қиммат нархларда сотиб олиш, харид қилинган маҳсулотларни кирим қилмаслик ва иш, хизматларни бажармаслик, қўшиб ёзиш ёки етказиб бермаслик, танлов ўтказмасдан танловда иштирок этмаган буюртмачига алоқадор корхоналарни қолиб деб топиш ёки ноқонуний равишда тўғридан-тўғри шартномалар тузиш орқали содир этилган. Мазкур ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида Молия вазирлиги ҳамда Жаҳон банки вакиллари билан ҳамкорликда давлат харидлари соҳасида коррупциявий ҳолатларни (шубҳали харидларни) аниқловчи ва шаффофликни таъминловчи электрон платформа ишлаб чиқилди. Давлат харидлари соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар коррупцияга қарши экспертизадан ўтказилди. Жумладан, давлат харидларини тўғридан-тўғри ёки тендер савдоларини ўтказмасдан амалга оширувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар хатловдан ўтказилиши натижасида 2022 йил 9 ноябрда “Тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 244-сонли фармони қабул қилинди.

Унга кўра, 2023 йил 1 мартдан: – Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан амалга ошириладиган бир шартнома суммаси базавий ҳисоблаш миқдорининг 3 500 баравари ва ундан юқори бўлган давлат харидлари бўйича буюртмалар тўғридан-тўғри шартномалар асосида бажарилишига йўл қўйилмаслиги; – вазирлик (идора, муассаса) ва унинг таркибидаги ташкилот (муассаса) ўртасида қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг 3 500 баравари ва ундан юқори бўлган товарлар (ишлар, хизматлар)нинг тўғридан-тўғри шартномалар бўйича харид қилиниши тақиқланиши белгиланди. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонунининг 71-моддасига асосан тўғридан-тўғри шартномалар бўйича давлат харидлари қуйидаги ҳолларда амалга оширилиши мумкин: Ягона етказиб берувчилар реестрига киритилган ягона етказиб берувчи билан давлат харидини амалга ошириш учун рухсат этилган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) давлат хариди; Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида тўғридан-тўғри шартномалар бўйича амалга ошириладиган товарнинг (ишнинг, хизматнинг) давлат хариди; фавқулодда ҳолатларни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг эҳтиёжларини таъминлаш учун зарур бўлган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) давлат хариди; суд муҳокамасида иштирок этиш учун адвокатни (вакилни) тайинлаш билан боғлиқ бўлган давлат хариди; илм-фан, адабиёт ва санъат асарлари, ижролар, фонограммалар, эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд

эшиттириш берувчи ташкилотларнинг кўрсатувлари ёки эшиттиришлари каби интеллектуал фаолият натижаларининг мазкур интеллектуал мулк объектларига нисбатан мутлақ ҳуқуққа эга бўлган ягона шахсдан давлат хариди; нархи (тарифи) давлат томонидан тартибга солинадиган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) давлат хариди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 сентябрдаги 3953-сонли қарори билан давлат буюртмачилари томонидан тўғридан-тўғри шартномалар бўйича харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)нинг 51 та рўйхати келтирилган⁵. Мазкур мақола юзасидан хулоса ва таклифлар: **Биринчидан**, таҳлиллар давлат давлат харидлари билан боғлиқ қонун талабларининг бузилиши билан боғлиқ асосан ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш (ЖК 167-моддаси) да ифодаланган жиноий қилмишлар содир этиб келинаётганлигини кўрсатмоқда. Хусусан, 2023 йилда кўриб чиқилган жиноят ишларининг 41 нафар (71,9 %) шахсга нисбатан 14 таси (87,5 %), 2020 йилда кўрилган жиноят ишларининг 33 нафар (82,5 %) шахсга нисбатан 17 таси (89,5 %), 2024 йилда кўрилган жиноят ишларининг 159 нафар (93,5 %) шахсга нисбатан 77 таси (93,9 %), 2024 йилда кўрилган жиноят ишларининг 257 нафар (96,6 %) шахсга нисбатан 120 таси (97,6 %), 2025 йилда кўрилган жиноят ишларининг 266 нафар (94,3 %) шахсга нисбатан 95 таси (89,6 %) ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш (ЖК 167-моддаси) билан боғлиқ қилмишлар ҳисобланади. Жиноий қилмиш содир этишда айбли деб топилган соҳа вакиллари қилмишни мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан содир этиб келишган бўлиб, қонунчиликда мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан содир этилган ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш жинояти учун ЖК 167-моддаси иккинчи қисмининг “г” банди билан жавобгарлик белгиланган.

Мазкур жиноий қилмиш ижтимоий хавфлилигига кўра, унча оғир бўлмаган жиноятлар туркумига киради. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2021 йил 6 июлдаги “Коррупцияга қарши мурасасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайитириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6257-сонли Фармонининг 6-бандида, коррупцияга оид жиноятлар учун белгиланган жазо чораларини узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазо чорасигача кескин кучайтириш бўйича қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш белгиланган.

Бу борада хорижий давлатларнинг қонунчилик амалиёти ўрганиб чиқилганда, Россия Федерацияси ва Қирғизистон Республикаларининг Жиноят кодексларида мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан содир этилган ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш жинояти оғир жиноятлар туркумига кириб, мазкур жиноят учун оғирроқ жазо чоралари назарда тутилганлигини кўрсатмоқда. Шу муносабат билан, мазкур жиноий қилмиш учун жиноий жавобгарликни ЖК 167-моддаси иккинчи қисмининг “г” бандидан мазкур модда учинчи қисмининг “д” бандига ўтказиш юзасидан қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ саналади.

Иккинчидан, судлар томонидан мазмунан кўриб чиқилган жиноят ишлари соҳалар кесимида таҳлил этилганда давлат харидлари билан боғлиқ жиноий қилмиш асосан Қурилиш соҳасидаги идоралар, мактабгача ва мактаб таълими ҳамда соғлиқни сақлаш тизимларида содир этилганлиги кузатилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2021 йил 6 июлдаги “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-

тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5177-сонли Қарорининг 11-бандида Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Адлия вазирлиги, Давлат бошқаруви академияси ва Бош прокуратура Академияси 2022 йил 1 январдан бошлаб “ҳалоллик вакцинаси” тамойили асосида давлат хизматчиларини мунтазам равишда коррупцияга қарши курашиш, манфаатлар тўқнашуви ва одоб-ахлоқ қоидалари бўйича махсус ўқув курсларда ўқитиш тизимини жорий этиши лозимлиги белгиланди ҳамда ушбу тизим доирасида: давлат хизматчиларини ўқитиш туман даражасида ҳудудий адлия бўлимларида, вилоят даражасида ҳудудий олий таълим муассасаларида, республика даражасида Давлат бошқаруви академияси ва унинг филиалларида амалга оширилиши;

махсус электрон ўқув платформаси ишга туширилиб, у орқали давлат хизматчиларини масофадан туриб ўқитиш ҳамда хусусий сектор вакиллари ва аҳолининг коррупцияга қарши курашиш борасидаги билимларини ошириш йўлга қўйилиши белгиланди. Шу муносабат билан, махсус ўқув курсларида биринчи навбатда қурилиш, халқ таълими, мактабгача таълим, маҳаллий давлат ҳокимиятининг Ободонлаштириш бошқармалари масъуллари ва моддий жавобгар шахсларини ўқитиш чораларининг кўриб чиқилиши мақсадга мувофиқ саналади.

Учинчидан, жиноятнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар таҳлили 2022-2025 йиллар давомида давлат харидлари билан боғлиқ жиноий қилмишларни содир этилишида айбли деб топилган шахснинг аксарияти қилмишни мансаб ваколатларини суистеъмол қилиб, хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этишганлиги;

147 нафари муқаддам судланган ёки жавобгарликка тортилган шахслар ҳисобланиб, айрим давлат ташкилотларида ханузгача ходим ва масъул шахсларни лавозим ва вазифаларига тайинлашда уларнинг шахси лозим даражада ўрганиб чиқилмаётганлиги жиноятни содир этилишига имкон берган кўринади. Жиноятнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар таҳлиliga кўра, мазкур тоифадаги жиноий қилмиш содир этган шахсларнинг 320 нафари давлат харидлари билан боғлиқ жиноий қилмишларда соҳа вакиллари билан жиноий тил бириктирган тадбиркорлик субъекти вакиллари ҳисобланади. Таҳлилларга кўра, айрим ҳўжалик юритувчи субъектлар коррупция билан боғлиқ жиноий қилмиш содир этган шахслар томонидан таъсис этилмаган ёки улар иштирокчиси ҳисобланмаса-да, норасмий раҳбарлик қилиб келинаётган ҳолатлар ҳам кузатилмоқда. Шу муносабат билан, муқаддам коррупцияга оид жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган шахслар томонидан бошқарилган, коррупцияга оид жиноятларни содир этилишига алоқадор ҳисобланган ҳўжалик юритувчи субъектлар (юримдик шахслар) нинг ҳам очик электрон реестрини юритилиши мақсадга мувофиқ саналади.

Тўртинчидан, Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунининг 81-моддасида давлат харидлари тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик назарда тутилган, унга кўра давлат харидлари субъектлари ва уларнинг мансабдор шахслари ушбу Қонунга ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига, шунингдек коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ давлат харидлари тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши ва шартнома бўйича ўз зиммасига юклатилган мажбуриятлар лозим даражада бажарилиши учун жавобгар эканлиги, давлат харидлари тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлиши назарда тутилган.

Бироқ, амалдаги Жиноят кодексида ушбу ҳаракат учун жавобгарлик назарда тутилмаган.

Масалан, маълум бир соҳа вакиллари томонидан давлат харидлари билан боғлиқ қонун талабларига риоя қилинмасдан хўжалик юритувчи субъектлар билан шартнома имзоланди. Хўжалик юритувчи субъект томонидан шартнома шартлари қонунда белгиланган тартибда амалга оширилиб, давлат бюджетига ҳеч қандай моддий зарар ёки жиддий зиён келтирилмади. Бундай ҳолатда, давлат харидлари тўғрисидаги қонунчиликни бузган шахслар учун Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 1758-моддасида жавобгарлик белгиланган. Коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш учун ЖК янги 184²-модда билан тўлдирилиши таклиф этилади. Бунда: “ЖК 184²-модда. Давлат харидлари тўғрисидаги қонунчиликни бузиш Давлат харидлари тўғрисидаги қонунчиликни жуда кўп миқдорда бузиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилгандан кейин содир этилган бўлса, — базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки юз қирқ соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.”

Шунингдек, ЖКнинг махсус қисми саккизинчи бўлими “Давлат харидлари” атамаси янги хатбоши билан тўлдирилиши таклиф этилади: “давлат харидлари — давлат буюртмачиларининг товарларга (ишларга, хизматларга) бўлган эҳтиёжларини пулли асосда таъминлаш жараёни”.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни
2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 11.09.2023 yildagi «O‘zbekiston — 2030» strategiyasi to‘g‘risida 158-sonli Farmoni
3. Юрченко Е. В., Юрченко А. А. “Государственные закупки: современные проблемы” ВЕСТНИК ФИНАНСОВОГО УНИВЕРСИТЕТА 2015
4. Рожков М.А. Проблемы госзакупочной деятельности в России: взгляд заказчика / М. А. Рожков, О.Н.Балаева // Академическое приложение к журналу «Госзаказ: управление, размещение, обеспечение». — 2010. — № 4. — С. 11–28.
5. Ярославцева М. П. Проблемы заключения государственного и муниципального контрактов / М. П. Ярославцева // Научное сообщество студентов XXI столетия. Гуманитарные науки: электронный сб. ст. по материалам XXXVII студ. междунар. науч.-практ. конф. (декабрь 2015 г.). — Новосибирск : АНС «СибАК», 2015. — № 10 (37). — С. 461–466. — URL: [https://sibac.info/archive/guman/10\(37\).pdf](https://sibac.info/archive/guman/10(37).pdf) (дата обращения: 26.07.2019 г.).
6. <https://www.oecd.org/governance/publicprocurement/>
7. Пономарева О.В. Государственные закупки как инструмент торговой политики в развивающихся странах // Россия: Внешнеэкономический вестник, No 9, 2014. - С. 101.
8. Dr Mihály Fazekas, Dr Elizabeth Dávid-Barrett. Corruption Risks in UK Public Procurement and New AntiCorruption Tools. Budapest, Hungary.2015. URL://http://www.govtransparency.eu/wp-content/uploads/2016/10/Fazekas-David-Barrett_Pubhc-procurement-review_pubhc_151113
9. Qonun hujjatlari ma’lumotlari milliy bazasi, 28.05.2018 y., 10/18/3016/1279-son

9. Sh.M.Boymurodovning “Davlat xaridlarini amalga oshirishda elektron savdolardan foydalanish samaradorligi” iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar ilmiy jurnali
10. Korrupsiyaga qarshi kurashish agentligining 2025-yil 6 oyligi hisoboti
11. Кодекс Российской Федерации об административных правонарушениях.
12. Kelman St. Procurement and Public Management: The Fear of Discretion and the Quality of Government Performance. Washington (DC): AEI Press, 1990. 213 p.
doi:10.1002/pam.4050100313